

## ТЎСИҚСИЗ СУБОРДИНАТОРЛИ ГАПЛАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Юсупова Манзура Курбановна**

*Анджон давлат чет тиллари институти, Француз  
тили назарияси ва амалиёти кафедраси уқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур тезисда субординаторли гипотаксемаларни ўқитиш масалалари кўриб чиқилиб, унга доир методик тавсиялар тақдим этилган.*

**Калит сўзлар:** *SVC, коммуникатив мақсад, эллипсис, субординаторлар, ЭГҚГ*

Тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, уларни чет тилларини ўқитиш жараёнида ҳисобга олиш тил ўргатиш жараёнини осонлаштиради ва тезлаштиради. Француз тилида гаплар SVC (эга, кесим, тўлдирувчи), ўзбек тилида эса SCV (эга, тўлдирувчи, кесим) қолипида ясаллади. SCV қолипида гаплар яшаш ва қўллашга ўрганган ўзбек ўқувчилари гап бўлаклари тартибини бузган ҳолда гап яшашлари мумкин. Бунда гап мазмуни ва коммуникатив мақсадга путур етади:

Marie lit une lettre.

Mariya xatni o'qiyapti.

Агар биз ўқувчига тил қолипини яхши тушунтириб қўймасак, у ушбу гапни Marie une lettre lit шаклида айтиши мумкин.

Шу боис гапларда сўз тартиби мавзусини ўтганда аниқ гап моделлари орқали ўрганиш, тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилидаги феълларда шахс сон категорияси ва унинг ифода воситалари яхши ривожлангани туфайли гапда эганинг эллипсисга учраши кўпроқ учрайди. Француз тилида аксинча, гапда эга зарур:

(У) ёзса ёзсин, (мен) ёзмайман.

Qu'il ecrive, je n'écirai pas.

Ўзбек тилида, демак, эга факультатив, француз тилида эса облигатор гап элементи ҳисобланади. Бунинг сабаби, ўзбек тилидаги гап кесими, шахс сонни аниқ ва очиқ ойдик кўрсатиб келади. Француз тилида асосан субординаторларнинг ўрни эргаш гап бошида бўлса, ўзбек тилида кўпинча гап охирида келади. Боғловчилик ролини аналитик субординаторлар (француз тилида) бажарса, ўзбек тилида синтетик ва аналитик-синтетик субординаторлар бажаради. Бу фарқли жиҳатлар ҳам интерференцияга сабаб бўладиган омил ҳисобланади. Тўсиқсиз ЭГҚГнинг нутқда қўллашда ўзбек ўқувчилари қатор қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Француз тилини бевосита ўрганиш жараёнида айрим субординаторларнинг кўп маънолилиги (peu importe quand, si, comme, même, quand même, avant), модал ва кўмакчи феълларнинг хусусияти (devrait, devrait, devrait) ҳам интерференцияга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис таълим жараёнини ташкил

этишда, осондан мураккабга тамоилига амал қилиш самара беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ТЭГҚГларни ўқувчиларга ўргатишни қуйидаги тартибда (албатта тил ва нутқ машқлари, вазиятларли ўйинларни қўллаган ҳолда) тақдим этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1) содда морфологик таркибга эга(bien que, même si)ва содда замонли (présent,futur immédiat) гаплар моделларини тақдим этиш:

Même si je suis fatigué, je vais danser.

Pensée fatiguée, j'ai dansé.

2) составли субординаторлар ва мураккаб замонли модал феълли гаплар моделларини тақдим этиш (Même si, ev present, future, passé récent, voix active et passive).

Même s'il dort, il peut nous entendre

Même s'ils le cherchaient

Pendant longtemps, ils risquent de ne pas le trouver.

3) мураккаб составли субординатор, мураккаб замон шакллари: devrait, pourrait, pourrait. Exemple; Peu importe s'il l'avait fait ou non, ils auraient pu trouver la sortie. Malgré le fait qu'il avait cuisiné pendant 2 heures, le dîner n'était pas encore prêt.

4) нуқталар ўрнига субординаторлар қўйинг, чунки, тугалланган ЭГҚГни содда гап шаклида беринг, 2та мустақил гапдан ТЭГҚГ ясанг каби тил машқларини бажартириш.

5) билимларни назорат қилувчи ва ривожлантирувчи тестлар орқали хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш.

6) француз ва ўзбек тилларида ТЭГҚГ ўртасидаги фарқли жиҳатлар аниқланади.

Мустаҳкамловчи машқлар тузишда тилдан-тилга таржима машқларидан, “таржимон” ролли ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради. Бунда ўқувчилар турли вазиятли инглизча нутққа тайёрланадилар.

\*\*\*

-Bonjour Anne.

-Bonjour Sue.

- Où vas-tu?

- Je vais jouer au tennis.

- Mais le ciel est nuageux. Il pourrait bientôt pleuvoir.

- Pas grave. Je joue au tennis même s'il pleut.

- Alors je ne peux pas t'arrêter.

\*\*\*

Pouvez-vous me rendre un service ?

- Je vous en prie. Que puis-je faire pour vous?

- Peux-tu me prêter de l'argent?

- Bien sûr, je peux même si j'en ai besoin moi-même.

\*\*\*

Peu importe qui vient et quoi qu'il arrive, je ne quitterai pas ma maison

- Mais tu as dit que tu déménageais.

- Non, j'ai changé d'avis. Je pense que la maison est la maison, qu'elle soit toujours aussi simple.

Юқоридаги тавсиялар ТЭГҚГларни ўқитиш самарадорлигини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. N.Steinberg. Grammaire française. Ленинград 1963.
2. Л. Е. Малина, Л. П. Андреевичева, У. Турниёзов. Grammaire Française. Тошкент. 1970
3. Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент. 1960.